

**ТАҚИҚЛАНГАН ЭКИНЛАРНИ ЕТИШТИРИШ ЖИНОЯТЛАРИ
ЮЗАСИДАН СУРИШТИРУВ ВА ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВНИ ОЛИБ
БОРИШДА АЙБЛАНУВЧИГА АЙБГА ИҚРОРЛИК ТҮҒРИСИДАГИ
КЕЛИШУВНИНГ МОҲИЯТИНИ БАЁННОМА АСОСИДА
ТУШУНТИРИШНИ БЕЛГИЛАШ**

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11169550>

Фоғуржонов Иброҳимжон Музробжон ўғли

Қува тумани "BEST DEFENSE" адвокатлик бюроси директори

Аннотация

Мазкур мақолада тақиқланган экинларни етиштириши жинояти учун жавобгарликнинг ижтимоий зарурияти миллий ва хорижий тажриба асосида ўрганилди. Шунингдек, тақиқланган экинларни етиштириши жиноятини квалификация қилинишига боғлиқ айрим назарий ва амалий муаммолар ёритилган бўлиб, бу борада Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигини тақомиллаштириши бўйича тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар

Тақиқланган экинлар, кўкнор, мойли кўкнор, каннабис, маркибидаги гиёвандлик воситалари ёки психотрон моддалар бўлган экинлар, экиш, етиштириши.

Annotation

In this article, the social necessity of responsibility for the crime of cultivation of prohibited crops was studied on the basis of national and foreign experience. Also, some theoretical and practical problems related to the qualification of the crime of cultivation of prohibited crops were highlighted, and in this regard, relevant suggestions and recommendations were developed for improving the criminal legislation of the Republic of Uzbekistan.

Keywords

Illegal crops, poppy, oil poppy, hemp (cannabis), crops, plants, crops containing narcotic drugs or psychotropic substances, plea agreement

Аннотация

В данной статье на основе отечественного и зарубежного опыта исследована социальная необходимость ответственности за преступление, связанное с выращиванием запрещенных культур.. Также были освещены некоторые теоретические и практические проблемы, связанные с квалификацией состава

преступления выращивания запрещенных культур, в связи с чем были разработаны соответствующие предложения и рекомендации по совершенствованию уголовного законодательства Республики Узбекистан.

Ключевые слова

Запрещенные культуры, мак, мак масличный, конопля (каннабис), культуры, растения, выращивание, содержащее наркотические средства или психотропные вещества, соглашение о признании вины

Жиноят содир этганликда айбланаётган шахс унинг айби қонунда назарда тутилган тартибда ошкора суд муҳокамаси йўли билан исботланмагунча ва суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланмагунча айбсиз деб ҳисобланади. Абланувчига ўзини химоя қилиш учун барча имкониятлар таъминланади. [1].

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 270-моддасида тақиқланган экинларни, яъни қўкнор ёки мойли қўкнор, каннабис ўсимлиги ёхуд таркибида гиёвандлик воситалари ёки психотроп моддалар бўлган экинларни қонунга хилоф равишда экиш ёки етиштириш учунг жиноий жавобгарлик белгиланган. [2.]

Таъкиқланган экинларни етиштириш деганда тегишли рухсатсиз ҳар қандай ер майдонида, шунингдек бўш ётган ерларда уруғни қадаш ёки ўстириш тушунилади. Жиноят ўсимлик униб чиқсан ёки чиқмаганлигига қатъий назар, экин экилган пайтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади. [3.], [4.]

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 17-моддасига асосан таъкиқланган экинларни етиштириш жиноятини содир этгунга қадар ўн олти ёшга тўлган, акли расо жисмоний шахслар жавобгарликка тортиладилар. [2.]

Мамлакатимизда тақиқланган экинларни етиштириш жиноятига оид қонун нормаларини такомиллаштириш хусусида М.Х.Рустамбаев [3] ўзининг илмий ишларида ёритиб ўтган.

Хорижий мамлакатларда тақиқланган экинларни етиштириш жиноятига оид изланишларни А.Х.Ибрагимова [6] ва И.Е.Пожидаев [7]лар олиб борган.

А.Х.Ибрагимова фикрига кўра, гиёхванд моддаларни ўз ичига олган, етиштириш тақиқланган ўсимликларни ноконуний етиштиришга қарши курашиш муаммоси Россия давлати, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва бутун жамият учун замонамизнинг асосий муаммоларидан бирига айланиб бормоқда. Қолаверса, ушбу турдаги жиноятларга қарши курашиш ҳуқуқни

мухофаза қилувчи органларнинг тор идоравий муаммоси эмас, балки узоқ вақт давомида ҳал этилиши керак бўлган умуммиллий муаммо эканлигини таъкидлаш лозим. Шу муносабат билан таркибида наркотик моддалар бўлган ўсимликларни ноқонуний етиштиришнинг олдини олиш ва олдини олиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш катта амалий аҳамиятга эга. Давлат гиёхвандлик таҳдиини холисона баҳолаши ва бу ижтимоий ҳодисага қарши курашишнинг турли шаклларини қўллаши керак. Гиёхванд моддаларни ўз ичига олган ўсимликларни ноқонуний етиштиришга қарши курашда мухим ўринни қонуний воситалардан фойдаланиш, маҳсус ва умумий профилактика қилиш керак. Бу сўнгги йилларда қабул қилинган жиноятчиликка қарши кураш бўйича федерал ва минтақавий мақсадли дастурларнинг диққат марказида. [6]

И.Е.Пожидаев эса Таркибида гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддалар бо‘лган о‘симликларни ноқонуний етиштиришга қарши жиноят ҳуқуқининг тарихи ҳамда таркибида гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддалар ёки уларнинг прекурсорлари бо‘лган ўсимликларни ноқонуний етиштиришга қарши курашиш тўғрисида илмий изланишлар олиб борган. [7]

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 18 февралдаги ЎРҚ-675-сонли Конунига асосан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 57²-модда (*Айбга иқрорлик тўғрисида келишиув тузилган жиноятлар бўйича жазо тайинлаш*) билан, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процесуал кодекси эса 62¹-боб (*Айбга иқрорлик тўғрисидаги келишиув*) билан тўлдирилган. [8]

Айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув жиноят ишини юритишни ўзига нисбатан қўйилган гумонга, айбловга рози бўлган, жиноятнинг очилишига фаол кўмаклашган ва келтирилган заарни бартараф этган гумон қилинувчининг ёки айбланувчининг илтимосномасига асосан назорат қилувчи прокурор билан ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган ва оғир жиноятлар бўйича тузиладиган келишувдир.

Айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув қуйидаги шартлар мавжуд бўлган тақдирда тузилади:

1) гумон қилинувчи, айбланувчи ўз ҳаракатларининг моҳиятини, шунингдек ўзи берган илтимосноманинг оқибатини англаш бўлса;

2) илтимоснома ихтиёрий равишда ва ишда иштирок этаётган ҳимоячи билан маслаҳатлашувлар ўтказилганидан кейин берилган бўлса;

3) гумон қилинувчи, айбланувчи суриштирув ёки тергов органи томонидан қўйилган гумонни ёхуд айбловни, иш бўйича мавжуд бўлган далилларни, шунингдек етказилган заарнинг хусусияти ва миқдорини инкор этмаса ҳамда уни бартараф этган бўлса. [9]

Айбга иқрорлик тўғрисида келишув тузилган жиноятлар бўйича тайинланадиган жазонинг муддати ёки миқдори ЖК Maxsus қисмининг тегишли моддасида (қисмида) назарда тутилган энг кўп жазонинг ярмидан ошмаслиги керак. [2]

Тақиқланган экинларни етиштириш жиноятига оид қонун нормаларини такомиллаштириш мақсадида жиноят ҳуқуқи назариясидан келиб чиқсан ҳолда қуидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Тақиқланган экинларни етиштириш жиноятлари юзасидан суриштирув ва дастлабки терговни олиб боришда айбланувчига айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувнинг моҳиятини баённома асосида тушуниришни белгилаш лозим.

Чунки, тақиқланган экинларни етиштириш жиноятлари юзасидан суриштирув ва дастлабки терговни олиб боришда айбланувчи шахслар ўзлари томонидан содир этилган харакатнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ҳамда жиноят сифатида баҳоланишини билмасликлари, уларга ҳуқуқий тушунча берилганидан сўнг, содир этилган жиноят юзасидан айбига икрор эканликларини билдириб ўтадилар. Шу сабабли, тақиқланган экинларни етиштириш жиноятлари юзасидан суриштирув ва дастлабки терговни олиб боришда шахсни айбланувчи тариқасида ишга жалб қилиш билан бирга унга айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувнинг моҳиятини баённома асосида тушунирилиши, келгусида айбланувчи шахсга нисбатан тайинланадиган жазонинг миқдори ёки муддати ЖК Maxsus қисмининг тегишли моддасида (қисмида) назарда тутилган энг кўп жазонинг ярмидан ошмаслигини таъминлаш учун хизмат қиласи.

Хулоса ӯрнида амалдаги Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунларининг умумий жиноят назариясига асосланган ҳолатда тўғри тадбик этилиши, қонун чиқарувчи томонидан белгланган нормаларнинг мазмун-моҳиятини тўғри англаниши Ўзбекистон Республикасида ягона суд амалиётини жорий этилиши ҳамда ҳар бир шахснинг содир этган килмиши учун инсонпарварлик тамойиллари асосида жазо тайинланишидаги ӯрни бекиёс эканлигини алоҳида кайд этиб ўтиш лозим.

ФОЙДАНАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Lex.uz.
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси. Lex.uz.
3. М.Х. Рустамбаев Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар. Махсус қисм. – Тошкент: “Адолат”, 2016. 801-809-б.
4. БМТнинг “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни гайриқонунуий равишда муомалага киритишга қарши кураш тўғрисида”ги конвенцияси (Вена, 1988 йил 20 декабрь, Ўзбекистон Республикаси мазкур Конвенцияга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 24 февралдаги 32-I-сонли қарорига мувофиқ қўшилган, Ўзбекистон Республикаси учун 1995 йил 22 ноябрдан кучга кирган)
5. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 28 апрелдаги “Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 12-сонли қарори, 19-банд
6. Ибрагимова Аминат Хизбуллаевна. Незаконное культивирование запрещенных к возделыванию растений, содержащих наркотические вещества (По материалам Республики Дагестан) : Дис. ... канд. юрид. наук : 12.00.08 Махачкала, 2003. РГБ ОД, 61:04-12/632. Dslib.net
7. Пожидаев Илья Евгеньевич. кандидат наук. тема докторской и автореферата по ВАК РФ 12.00.08, проблемы уголовно-правового противодействия незаконному культивированию растений, содержащих наркотические средства или психотропные вещества либо их прекурсоры. <https://www.dissercat.com>
8. Ўзбекистон Республикасининг 18.02.2021 йилдаги ЎРҚ-675-сонли Конуни. Lex.uz
9. Ўзбекистон Республикаси ЖПК. Lex.uz